
“Марказ” МФЙдаги муаммо бартараф этилди

Давлатимиз раҳбари томонидан аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини янгича ташкил қилиш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз одамларни мурожаат қилишга мажбур этаётган муаммоларни чуқур ўрганиш ва тезликда бартараф этиш чораларини кўриш кераклигини барча давлат идоралари масъулларига қатъий топшириқ қилиб қўйди.

Айтиш жоизки, бу борада Риштон тумани ҳокимлигида муаммоларни жойларга чиқиб ўрганиш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

“Марказ” МФЙ ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг туман ҳокимига уч ойдан бери тозаланмаган ахлатхона юзасидан мурожаат этишган эди.

Туман ҳокими ушбу маҳаллага ташриф буюриб, маҳалладаги муаммоларни ўрганиб, жойида бартараф этди.

Ўрганишлар жараёнида аҳоли билан ҳам мулоқот қилиниб, уларнинг фикрлари, таклифлари ҳам тингланди. Аҳолининг таклифлари асосида ишларни жадал олиб бориш ҳақида тегишли масъулларга топшириқлар берилди.

2021-08-05 06:36:23